

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

ЭЛ — ЮРТИМИЗ ТИНЧ БЎЛСИН!



Умр ўткинчи. Фаслларнинг яшилланиб, сарғайишини инсон умрига ўхшатаман. Лекин ҳеч нарса беиз кетмас экан. Инсондан фақат яхши ном, эзгулик уруғи қолади. Дарахтдан ҳам... Умр эса дарахтга менгзайди. Зеро, нима эксанг, шуни ўрасан, дейди доно халқимиз. Ибодатхон ая ҳам ҳозир умр кузини яшамоқда. Бир-биридан ширин неваралари кемтик кўнгил оғриқларига малҳам бўлади. (Ибодат ая ҳақидаги «Соғинч» лавҳасини 3-саҳифада ўқийсиз.)

Миробид Мирсодиқов туширган сурат.

**УШБУ
СОНДА****ЮЛДУЗ
УСМОНОВА
МАКТУБИ**

2

СОҒИНЧ

3

**У АЁЛ
БЎЛСА-ДА,
МАРД ЭДИ...**

4

**СЕВГИДАН
КЕЙИНГИ
ҲАЁТ...**

5

**ОҚ ОТНИ
КЎРДИМ**

6

**БАХТ
НИМА
ЎЗИ?**

7

**ХОТИНИМНИНГ
ОНАСИ...**

8

**УШБУ
СОНДА**

О, ЎЗБЕК АЁЛИ...

«Оила ва жамият» — 39 сон. ...бегим... қизига Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз УСМОНОВНИНГ жавоб мактуби

Аввало, менинг ижодимга эътиборингиз, эътиқодингиз учун сизга узимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Ҳақиқатдан ҳам ижодкор ҳалқи узининг яратган ҳар бир асари билан жамиятга, инсонлар онига маънавий таъсир қилишга ҳаракат қилади. Гап санъаткор ёки ижодкор ҳақида кетаркан, шуларнинг бири сифатида шуни эътироф этишим керакки, ҳар бир янги яратилган қушқининг замирида меҳнат, меҳнат ва жуда катта меҳнат ётади. Чунки тер тўкиб, кечалари ухламай элу юртга, одамларга маъқул тушадиган куй-қушқин яратиш анча фидокорликни талаб этади. Ҳоҳ у шоир бўлсин, ҳоҳ у санъаткор, актёр бўлсин қимлигини ҳаётнинг назар минг бир машаққатлар билан дунёга келган асари қупчиликнинг кўнглига ёқиб, уларнинг қалбидан жой олар экан бошқа ҳар қандай

олий мукофот ҳам шунинг олдида утаверсин. Минг шукр-ки, элимиз — биз ҳар доим саҳнага бошимиз ерга теккунча салом бериб, таъзим қилганимиз элимиз санъатни тушунадиган, санъаткорларини улуғлайдиган узимнинг АЙЛАНАЙ халқимдир.

«Эркаларни асранг, аёллар» қушигини тинглаган ҳар бир тафаккури ётуқ инсонлар албатта бу сузларнинг аксини ҳам айтиб қуриши табиий. (Аёлларни асранг, эркалар.) Оила муқаддас даргоҳ, бу даргоҳнинг остонасидан вафо,

меҳр-муҳаббат, садоқатнинг нури ажралиб тургани яхши.

Албатта аёлнинг асраган эрканинг оиласида файзу тароват, оёсийишталанининг, шунингдек, муборақ нурининг умри боқий бўлади. Опажон (исмин-гизни ёзмабсиз, шунинг учун опа деб атадим), сабру тоқатли бўлиш Шарқ аёлига хос, ўзбек аёлларига мос бўлган фазилатлардан бири. Фарзандларингиз бор экан, демак, келажакдан, эзгуликдан умидингиз бор. «Ойнинг ун беши қоронғу бўлса, ун беши ёруғ», дейдилар-ку! Биз ҳар доим

ана шундай нури ва чароган кунлар келишига инониб яшамогимиз керак.

Мен ҳам сиз каби ўзбек аёлиман. Шу азиз, тугроғи олтин она-юртимизнинг аёлларига, оналарига эҳтиромим чексиз. Бунинг шоир Дилмурод ҚОСИМНИНГ ушбу шеъри мисолда айтишни истардим.

Баъзан кипригида икжу ёш кўрдим,
Нафис елкасида тоғ-бардош кўрдим,
Товонига ботган чағир тош кўрдим,
Қуёшдан олинган ҳусну

жамоли
О, ўзбек аёли, ўзбек аёли.
Қуёшга талпинган
сирли боғимсиз,
Кимсасиз юракда
қолган оҳимсиз,
Гуноҳкор дунёда
бегуноҳимсиз,
Мудом рўзғоридан

бўлган ҳаёли
О, ўзбек аёли, ўзбек аёли.
«Оила ва жамият» газетасининг барча муҳлиси ва муҳлисаларига баҳордек гузаллик ва оиласига оёсийишталик тилаб қоламан.

«Оила ва жамият» газетасининг барча муҳлиси ва муҳлисаларига баҳордек гузаллик ва оиласига оёсийишталик тилаб қоламан.

Ахборот

АЁЛ, НИКОҲ, ОИЛА...

Аёли ёъозланган жамиятнинг бугуни, эртаси ёруғдир. Чунки келажак аёллар тарбияси хотин-қизларнинг ҳукуқий саводхонлигига, билимдонлигига, маънавиятига, юксак маданиятига боғлиқ. Яққасарой туман хотин-қизлар кумитаси ташаббуси билан «Каунтерпарт Концарциум» Америка фонди, «Аёл ва жамият» институти ҳамкорлигида «Аёл, никоҳ, оила» оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мавзусида бўлиб ўтган семинар ана шу мақсадга қаратилди.

Анжуманда аёл ҳақ-ҳуқуқи, бунда давлат органларининг роли, аёл ва ислом, оилани режалаштириш мавзуларида маърузалар тингланди. Баҳс-мунозаралар бўлди.

Н. Раим қизи

Оилам — менинг фахрим

МАҚСАДИМИЗ-ИЖТИМОДИЙ ҲИМОЯЛАШ

жамоасида бу борада амалга ошириладиган ишлар қандай?

Бизнинг Қўқон темирйўли бўлимида қўқонлик курсатётган бир ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш диққат-эътибори миздаги асосий вазифамиз. Меҳнат жамоасида узаро ҳўрма-иззат, меҳр-оқибат қўчи. Инсонийлик ва одамийлик ҳамма нарсадан устун туради. Айниқса, инсон ҳаёти ва шаъни юксак ёъозланади. Турли мавзуларда ўтказиладиган тадбирларимизнинг мазмун ва моҳияти ҳам айнан ана шу масалаларга қаратилган. Бўлим корхоналари уртасида «Оилам-фахрим», «Балли қизлар!», «Яхши оила—бахт рамзи» каби тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади. Гўлиблар эсалик соғаларига билан рағбатлантиришмоқда. Ишчи-хизматчиларимизнинг бошланғич синфда таълим олувчи болаларига бир маҳал бепул иссиқ овқат, юқори синфдаги ўқувчиларига эса энг кам иш ҳақининг

икки фоизи миқдоридан нафақа пули берилади.

Болалар соғломлаштириш оромоҳига 3 миллион 739 минг сўм, болаларга 1 миллион 329 минг сўм қўшичи-и маблағ ажратилди. Нафақага чиқатган ходимларга иш фазолиятига қараб, ойлик маошининг 10 фоизи миқдоридан туғиш нафақасидида аёлларга ҳар байрамларда минг сўмдан мукофот пуллари тарқатилди.

Темирйўлчиларнинг оилавий шароитини яхшилаш, турмушларини фаровонлаштириш борасида ҳам талай ишлар қилинмоқда. Ишчи-хизматчиларимизга уй-жой сотиб олишлари учун ссуда берилади.

Бундан ташқари Наманганда Чортоқ шифобахш сувидан фойдаланиладиган янги сикаттоҳ, Марғилонда 140 уринли болалар бочаси, маъиший хизмат турмақлари, Қўқон ва Ўқурғонда турар жойлар, Андижон локомотив депосида иситиш корхонаси ва бошқа

кўплаб маданий-маиший бинолар қурилиши жадал сураятлар билан олиб боришмоқда.

Республикамизда нашр этилаётган қўқонлик газеталарнинг кўпчилиги биринчи кўпроқ қизчи-и ўқийсизлар?

Албатта, инсон маънавий эҳтиёжларини қондиришда мутаботнинг роли катта. Темирйўлчиларимиз кўндалик нашрлар билан мунтазам танишиб боришди. Айниқса, «Оила ва жамият» газетасининг муҳлислари кўп. «Қўқон садоси», «Темирйўлчи», «Сўхбатдош», «Халқ сузи» газеталарига келгуси йилда ҳам обуна бўлиш учун 2 миллион 980 минг сўм маблағ ажратди. Ўшбу нашрлар оилавий турмушимизга мазмун бағишлаш, меҳнат фазолиятимиздаги ютуқларни мустаҳкамлаш билан бир қаторда камчиликларни бартараф этишда яқин кўмакдош бўлиб қолади.

Сўхбатдош:
М. СУЛАЙМОНОВ

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссасдорлик компанияси Қўқон бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутаты Мирмуҳсин Мирҳамзаев билан мулоқот.

— Мирмуҳсин ака, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида асосий омил ҳисобланган инсонга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган меҳнат

БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

ПАТИ ЮЛИНГАН ТОВУҚ

Одобнома дарсини утаётган ўқитувчи ўқувчиларга шундай савол билан мурожаат қилди:

— Сохта тадбиркор ҳаётимиз Тохир Аҳмедов «Москва-Тошкент» йўналиши бўйича қатновчи поездда спиртли ичимликлар олиб келатган эди. Гарчи грузин виноси бўлса ҳам божжоначилар мамлакат ичкарисига қиритишга йўл қўймади. Хўш, акция марказисиз маъсулётларидан айрилган Тохир энди қандай аҳволга тушади?

— ПАТИ ЮЛИНГАН ТОВУҚДЕК БУЛИБ ҚОЛАДИ! — деди ҳозиржавоб бир ўқувчи.

БЕШ БАРМОҚ

Ҳойнаҳой, сарлавҳага қўзи тушган муштарийларимиз қозоқ оғаларимизнинг миллий таъоми беш бармоқни эслаб бир тамшаниб қўйишса, ажаб эмас. Лекин гап қўлнинг беш бармоғи ҳусусида. Дўно халқимиз нафси уққон урган кимсаларга нисбатан «беш бармоғини оғизга тикади», деган нақли ишлатади. Тошкентлик Улўғбек Авазов ҳам ана шундайлар қилидан

чиқиб қолди. У пул топишининг энг қўлай ва осон йўлини тоғди. Гўгурт қўтисидек уйини мумай даромад масканига айлантирди. Бира тула 5809 дона ароқ ва 891 дона коньяк билан савдони йўлга қўйди. Кечирасизлар, божжона турмага илнимаганда шундай бўларди.

ҲОЛИГА МАЙМУНЛАР ЙИҒЛАЙДИ

Тожикистонлик Фания Жўрабоева ва Қўрбонали Саттовровлар қатъий ният қилишган шекилли унга эришиш йўлида қалтис ишга қўл уришдан-да уларини тийлмадилар. Улар 220 грамм гўйхванд моддани Республикамиз ҳудудига олиб ўтишмоқчи бўлишди. Сариосие божжона ходимлари рўхсат беришганида бангифурушларнинг куни тугарди. Энди эса ҳолига маймуллар йиғлайди

АНТИҚА ЭЪЛОН

Азиз Тожиметов ва Усен Дадановларнинг ҳамтовоқлари диққатига!

Сизлар интизор бўлиб кутатган юқларни манзилга етиб бориши бироз кечикади. Сабаби 1470 килограмм пахта ёғи ортлган оғир қарвон «Гишткуприк» божжона чегара постига келганда эгаларининг

тутқаноқ дарди тутиб қолди. Улар ҳозирча шу ерда давола-нишяпти. «Шифокор»-божжоначиларнинг айтишича, ҳали-вери уларнинг соғайиб кетиши ҳам дарғумон эмиш.

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ СОМОНХОНАГАЧА

Наманганлик ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Қирғизбоевни машина мингиси келиб қолди. Шу мақсадда шахар қалаларида қаровсиз қолган машиналарни қўз остига олиб юрди. Ниҳоят, ўлжаси топилиди. Фурсатни қўлдан бой бермасдан «Хумоюн» фирмаси ходими У. Маҳмудовга қарашли енгил машинани куппа-қўндузи ҳайдаб қочди. Лекин бузоқнинг югургани сомонхонгагача экан. Наманган шахар ИИБ нинг тезкор ҳаракати гуруҳи ходимлари томонидан қўрилган чора-тадбирлар тўғрйли жиноятчи қўлга олинди.

Машина угриси Н. Қирғизбоев содир этган жиноий иш юзасидан тергов олиб боришмоқда.

ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН

Андижон. Балиқчи туманидаги Ҳирбоб қишлоғида яшовчи М. Дўстматов нафақага чиққач, қарилқ гаштини суриб ўтирса бўларди. Бироқ, у бундай қилмади. Қариса ҳам қингир ишлардан узини тийлмади. Чамаси, нафақа пули қамлик қилди шекилли, қўшимча даромад топлмоқчи бўлди. У 30 ми-

нг сўмлик гўйхванд моддани сотаётганида милиция ходимлари томонидан ушланди. Энди қариб қўйилмаган оқсоқолнинг қўнун олдида жавоб беришига тўғри келади.

ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

Қосон туманилик икки фуқаро Т. Норқўлов ва А. Боймуродов узаро жанжаллашиб қолди. Охир-оқибатда бири иккинчисига тан жароҳати етказди. Қўрнидан пичоқланиган А. Боймуродов зўдлик билан шифохонага ётқизилди. Шайтон васвасасига тушган Т. Норқўлов эса ҳибсга олинди.

Ақлдан жahl устун келганда шўнақа кўнгилсиз воқеалар содир бўлади, албатта.

ПОРАГА ЧОРА ИЗЛАБ

Ҳозирги пайтда «ёғлиқ» жойига ишга жойлаштиш ҳамирдан қил суғиргандек осон кўчадиган иш эмас. Бунинг учун ё зўринг, ё заринг бўлиши керак. Нуқсуллик К. Шоудировда кейингиси бор эди. Тўғрироғи, у ишга кириш мақсадида 50 минг сўм қарз-ҳавола қилишга мажбур бўлди. Лекин бу пулни пора сифатида Қўрақалпоғистон транспорт бoшқармаси бошлиғи Т. Пирметов хизмат жойида олаётганда ишининг пачаваси чиқди. Энди у порага чора излаб юрибди.

ҚАСАМГА ҲИЁНАТ

Пахта йиғим-терими мавсумида айрим шифокорларнинг қуни тугади. Нера дейсизми?

Мана эшитинг: Оҳангарон тумани марказий шифохонаси шифокори М. Пирмановнинг ҳўрмача қилиқлари бунга мисол бўла олади. Дўхтир акамиз Олмалиқдаги тиббиёт билим юрти талабаси Г. Шариповага яхшилик қилмоқчи бўлди. Албатта бекорга эмас, текинга мушук офтобга чиқмайдиган пайт-қў ҳозир. Нақ беш минг сўм пора эвазига талаба қизга жисмоний меҳнатдан озод этиш тўғрисида тиббий ҳўжжат тўғри-лаб берди. Бу воқеага гўвоҳ бўлган милиция ходимлари энди қасамга ҳиёнат қилган шифокорнинг қавуш-ни тўғри-лаб қўйишса ажаб эмас.

МЕҲНАТ ОММАГА

—СОҚҚАСИ ДОМЛАГА

Қўрақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир туман ИИБнинг хабарига қўра, 12-сон лицей директори Т. Аметов ва унинг уринбосари У. Айдуосов ўқувчиларнинг шу йил 15 сентябрдан 10 октябрга-ча тўрган пахталари учун қўшимча тулов ҳўжжатларини расмийлаштиришган. Аммо ўқувчиларга тарқатиш керак бўлган 65000 сўм пулни узлар и узлаштириб юборишган. Бошқача айтганда, омманинг меҳнати домланинг роҳати бўлган.

Ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

К. ТОШ,
М. БЕК

Одатда мазмунли ёхуд меҳнат-машаққатли йул боссангиз, орта қарагингиз келади. Аксинча...

Ўзларига йиллар туфони из солиб кетган Ибодатхон ая Кузиева ҳам том маънода мазмунли умр кечирди. Туҳайга ут кетса, ҳулу куруқ баробар ёнганидек, қатагон йилларнинг барча балолари бу оилани ҳам четлаб ўтмади. Не-не мусибату кулфатларга йулиқтирди. Энг ёмони иссиқ ўринни совутди. Таҳликали замоннинг зайли туфайли кичкина Ибодат ота-онаси билан йўловчи қарвон туяларига эргашиб водийдан воҳага келиб қолди. Ҳали эсини таниб-танимай, уруш бошланди. Тақдирнинг унга атаган туҳфаси олдинда экан. Яхши кунлар умидда не-не оғир кунларни бошдан ўтказмади, дейсиз. 1945 йилда отасини фашистнинг ўқи учирган бўлса, онасини унинг дарду фироғи олиб кетди.

— 3 ёшли синглим, 5 ёшли укам билан мусофир юрда ёлғиз қолиб кетдик, — деб эслайди Ибодатхон ая. Жигарларимга ҳам она, ҳам ота бўлиб ўқитдим, уйли-жойли қилдим. Қўни-қўшини «ик-кита болалар» қизини муносиб кўёв топиб, ураб-чирмаб ўзатишди. Турмуш ўртоғим Каримжон ахани ҳамма ҳурмат

қиларди. У киши ҳам ўзимга ухшаб мусофир, асли андижонлик эдилар. Касби ўқитувчи эди. Шу боисми ёки бошқа сабабми, ишқилиб эл-улус орасида обрў-эътибори катта

дейди Ибодатхон ая деярли ҳар кун эслайдиган хотира биситини яна бир титқилаб...

— Пахта тераверсам, дуплисини тўдириб менга келтириб берарди. Этагим тулаверса, у қувонарди. Буладиган бошидан маълум бўлар экан. Худойим ҳаммасини ҳам бахтини, тахтини бу-

тун қилсин. Умр уткинчи. Фаслларнинг яшилганиб, сарғайишини инсон умрига ухшатаман. Лекин ҳеч нарса беиз кетмас экан. Инсондан фақат яхши ном эзгулик уруғи қолади. Дарахтдан ҳам... Умр эса дарахтга менгзайди. Зеро, нима эксанг, шуни урасан, дейди доно халқимиз. Ибодатхон ая ҳам ҳозир умр кузини яшамоқда. Бир-биридан ширин неваралари кемтик кунгил оғриқларига малҳам бўлади.

Аянинг дуога очилган кафтига яна унлаб эзгу тилак тукилди — Эл-юрт тинч бўлсин. Топанлари туйларга буюрсин, омин!

Оқар дарё оқаверади, дилингизда ундан яхши-ёмон хотиралар қолади, холос. Зеро шоир ҳам соғиниб ёзганидек, фақат соғинаркансиз.

Мен қайтадан киймоқ истадим
Барча йиртган кийлақларимни...
Дилбар ТУРҒУНОВА



Шитирлайди ҳовлинг тўла куз...

Бир қараганда, никоҳ тўйлари мутлақо «шахсий» масалага яъни бир хонадон доирасида, қўни-қўшини, қариндош-уруғ, ошона-оғайнилари даврасида ўтадиган шодиёнага ўхшаб кетади. Лекин аслини олганда бу «хусусий» тантана сабаб, жамиятимизда яна бир мустақил оила бунёдга келади, остона ҳатлаб мустақил ҳаётга қадам қўйган келин-куёв ҳам, уларнинг дунёга келажақ фарзандлари ҳам шу юртининг фуқаролари бўладилар, уларнинг туриш-турмуши, тақдири эса шу халқнинг ажралмас бир бўлағи саналади.

Шу маънода, тўйларимиз ҳақида ўйласам, бир нарса алам қилади.

Ана уша тўй тантаналарида «Сенга бахтдан тахт тилайман, иқболдан бошингга тож», дея қадах кўтариб табрик сўзлари айтаётган, келин-куёвларга «Ҳасан-Ҳусанлару Фотима-Зухро фарзандлар» тилаётган кишилар турда уялиқираб ўтирган қуёвбола билан келин-пошшанинг эртанги мустақил ҳаётига, «бахтдан қуриллажак тахтлари»ю, «бошларидаги иқболдан ясалган тожлари»га кўпда қизиқмайдиғандек туюладилар.

Сабаби, тўйлар ҳам ҳаёт уммонидаги бир тулқин, ўткинчи ҳодиса. Ундан кейин ҳам ҳаёт давом этаверади. Демак, ҳар ким ўз аравасини тортиб кетаверади. Шу жумладан, келин-куёвлар ҳам... Энди улар ҳам, қўполроқ бўлса-да айтишга тўғри келади, «қўш хукиз»га айланадилар, эндиликда ўз «омоҳ»ларини ўзлари судрашлари керак.

Таассуфки, бизнинг онгимизга урнашиб қолаётган, шундай бемаъни тушунча бор. У ҳам бўлса, гўё ўғил болалар фақат ишлаб пул топиб келишлари, қизлар бола туғиб, уй-рузгор ишлари билангина шугулланишлари керак. Ачинарли томони шундаки, аксарият ҳолларда шундай бўлади. Уша қуёвбола ё келинпошша мустақил ҳаётга тайёри, уй-рузгор, бола-чақа де-

ган нарсаларни эплай оладими, бирон маълумот ё касб-хунарга эгами-лар, турмушнинг бешафқат зарбалари муштларига дош бераоладиларми, энг асосийси улар ўртасида Муҳаббат, узаро ҳурмат деган танқис муносабатлар борми?!

Афсуски, бу нарсалар кўпда кўпчиликни қизиқтирмаётганга ўхшайди.

Узоққа бормай, яқинда бир танишим ҳали 16га тўлиб-тўлмаган қизини узатдию, лабини тишлаб қолди. Келинлик либосидаги ниҳолдеккина қизчасига фотиҳа бераркан, беҳтиёр қўзларига ёш қалқиди. Кейин

тўйлар «Олтин тўй»лар билан қўшиб ўтказилаёпти. «Исломиий тўйлар» урф бўлаяпти. Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Ортиқча сарф ҳаражат, ортиқча югур-югурдан чекиниш тўй соҳибларига, уларнинг хонадонига фақат қут-барака келтиради, холос.

Лекин шунга қарамай, кўпчилик тўйларимизда ҳали ҳам «мешчанлик» аломатлари қўзга ташланиб қолаётгани барибир киши кўнглини ҳижил қилади.

Яқинда бир «замонавий бойвачча»нинг тўйида, саҳарга ош тортилаётган пайтда дастурхонларга

«бармоқларининг тенг эмаслиги»га яхшироқ разм солганларида, «курпаларига қараб оёқ узатганларида» тўйдан кейинги томошалар бўлмасмиди, деб ўйлаб қоламан.

Уч-тўрт қаватли дангиллама қасрлар қураётган, тирмизак ўғлига ё эркатой неварасига ҳам хорижий маркали автомобилларнинг калитию, «сотовой» телефонларни тутқазиб қўйган «замонавий бойлар»га тенглашаман, улардан қолишмайман, деб не-не оилалар бўйнигача қарзга ботиб қолаётгани, тўйдан кейин қуруқ чой-нон билан ўтиргани ҳеч кимга сир эмас-ку?

Агар уша дарёдек оққан ароғу коньяклар, нархи унча-мунча одамнинг белини синдирадиган гарнитурлару сарполар, юз килолаб дамлланган ошлар билан уша келин-куёвлар бахтли бўлиб кетишса майлику-я... афсуски, хамиша ҳам шундай бўлиб чиқмаяпти.

Сабаби яна уша. Биз улиб-кутулиб тўйга тайёргарлик кураимиз, фарзандларимизнинг эрта-индин «ола хуржун»ни бўйниларига илшига тайёриям ё йўқликлари ҳақида кўпда ўйлаб ўтирмаймиз.

Нега? Нима учун? Ким айбдор буларга? Бунақа саволлар кўп. Жўялик жавоблару маслаҳатлар эса оз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамларни тартибли ўтказиш ҳақидаги Фармони уқиб шу хил ўйлар ҳаёлимдан кечди ва уларни сиз муҳтарам укувчилар билан ўртоқлашгим келди.

Сиз эса уни ўқидингиз. Энди навбат сизларга, азиз укувчи! Сиз нима дейсиз?

Тўйларимизнинг миллатимизга, миллий урф-одатларимизу-қадриятларимизга хос, ЎЗБЕК деган шарафли номга мос бўлажати учун яна нималар қилишимиз, қандай йўл тутишимиз керак, деб ўйлайсиз?

Э. УСМОНОВ

КЎЗБЎЯМАЧИЛИК КИМГА КЕРАК?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
тўй-ҳашамларни тартибли ўтказиш ҳақидаги
Фармони кенг жамоатчилик муҳокамасида

менга қараб «Қизим ҳали ёш бола экан. Сал шошган қуринаман», дея товуши титраб юзини тескари бурди.

Ва ўша топда ҳаёлимдан «Бу қизалоқ ҳаётда нима қурди? Урта мактабда 8-9 йил ўқиганию, дугоналари билан уч-тўрт марта шаҳар хиёбонларини айланиб музқаймоқ егани ва бир неча бор кинотеатр ё концертга тушганими? Бўёғи нима бўлади? На бир маълумоти, на бир касби ё ҳунари бўлмаса? Жинсий томондан балоғатга етган бўлса ҳам майли эди. Бола боқиб ўтиришдан нарига ўтмади-ку», деган аламли фикр кечдию, мени ҳам юрагим увишиб кетди. Лекин кеч эди. Карнай-сурнай садолари бу хонадоннинг «бахти»дан элани огоҳ этиб, етти маҳаллага жар солмоқда эди...

Тўйлар кўп, илоҳим тўйларимиз кўп бўлсин. Кейинги йилларда тўйларимизнинг шаклию мазмунини ҳам озми-кўпми ўзгартиб бораётгани сезилиб бораёпти. «Никоҳ тўй»лари «Суннат тўй»лари билан, «Бешик

яшик-яшик ароғу коньяклар қўйлаётганини, бошқа бир «миллионер»нинг тонготор базмида отарчиларнинг бошидан долларлар хазонанглик сочилганини, яна бир бошқа бир тўйдаги Имомнинг инсоний бурчлар ва одамийлик ҳақидаги баъъами уғитларини тинглаб ўтирган бир пайтда чойнакларга «беҳит» қилиб ароқ тортилаётганига гувоҳ бўлдим.

Ва «Кимга керак бунақа кўзбўямачилик?» дея ҳайқириб юборгим келди. Кимни алдамоқчи бўляпти улар? Ўзларини эмасми? Тўй эгаларига қарата эса «дастурхонга ароқ тортиб кимларнингдир кўнглини олмақчи экансан, «фокус» курсатишни нима кераги бор? Бучкаси билан ҳовли ўртасига олиб чиқиб қўяқолмайсанми?» дегим келди.

Халқимизда «беш қўл баравар эмас» деган гап бор. «Қурпанга қараб оёқ узат» деган иборани ҳам ҳамма яхши билади. Лекин деярли ҳеч ким буларга риоя қилмаётган қуринади. Агар уша тўй эгалари

«Икки йул» орасида қолган аёл хатини ўқиб, тугри си ақлимга сиғдиролмадим, қаттиқ таъсирланганимдан узим ҳаётимда бўлган бир воқеани жавоб тариқасида ёзишга мажбур бўлдим.

Бир кун Тошкент олийгоҳларида бирига яқин акахонимни учратгани зарур иш билан бордим. Шу ерда бир қизни куриб ўқитиб қолдим. Кунлар ўтиб яна бордим. Бу гал борганда акахоним билан узок суҳбатлашдим. У қизни сўраб-суриштирдим. Улар менга овора бўлма, бунни харидори куп. Лекин ҳеч ким, ҳаттоки машҳур бир артист ҳам қулга ололмади, дедилар.

Шундай дейишларига қарамасдан уни сўраб-суриштирдим, куп бор кузатдим. Аммо, у билан юзма-юз суҳбатлашиш учун шошилмадим. Билишимча, у асли водийдан — турмуш ўртоғи билан ажрашган экан. Олийгоҳда ишловчи таниш-билишлардан уни сураганимда ҳеч ким у тўрисида бирор ёмон гап айтмади. Шундан сўнг бир кун у билан астойдил гаплашаман ва мақсадимни айтман деб, олийгоҳга бордим. Асли ниятим унга уйланиш эди. Афсус, уйлаган уйлари ҳаммаси бекор бўлди. Лекин акахонимни баҳона қилиб боравердим. У эса менга умуман эътибор бермас, ўз иши билан овора эди. Ниҳоят бир кун у билан саломлашдим-да, Сизда бир оғиз гапим бор, илтимос эшитинг, — дедим. Ва ўзимни таништирдим. Бир нечта катта фирмаларим борлигини, қўлимдан келган ёрдамимни беришга тайёрлигини, уни номига ўй олиб бериб, никоҳимга олиб яшаш асл мақсадим эканлигини руйи-рост айтдим. У кузларимга қаради-да: «Биринчидан, бировнинг бахти устига оила қуриб бахтли бўлолмайман. (Чунки мен оилали эдим-да) иккинчидан сизнинг шону шуҳратингиз, бойликларингиздан мен ўз номусимни юқори қўяман. Бошқа қайти олдимга келманг», — деди-да, ичкарига кириб кетди. Лекин шунга қарамасдан ундан умидимни узмадим.

Энди мен ўзимни курсатиш учун ҳар кун кийиниб, шахсий машиналаримда боравердим. Уйлари — кийинишимга, юришимга, машиналаримга балки ишқивоз бўлиб қолар деб. Йўқ, нотўғри уйлаган эканман. Буларнинг ҳеч бири фойда бермади. Эркаклар чиройли аёл ҳақида гап кетганда «кётворган эканим», дейишади. Унда ушандай «кётворганлик» бўлмаса-да, лекин табиий чиройли эди. Ёшига нисбатан ҳам уч-тўрт ёшга ёш қуринар эди. Гапирганда кузларидан қандайдир одамни узига тортиб турувчи сир бор эди-ки, олдинда кета олмас эдингиз. Умуман, уни узимга қарата олмадим. Сиқилиб юрган кунларимнинг бирида акахоним яқин кунларда унинг туғилган кунни эканлигини айтиб қолди. Хурсанд бўлдим. Балки шу баҳона дилига қиришга йул топарман, деб ўйладим. Орзи-

қиб кутган уша кун келди. Яқин бир оғайним билан бир хил кийиниб уттиз дона атир гул, ўттиз дона чинигул олдим, ҳавас билан турт қаватли катта торт қилдирдим-да, ҳар бир қаватига чиройли сўзлар ёздирдим ва қимматбаҳо совға олиб олийгоҳга йул олдим. Тугри кафедрага кириб бордик. Шундоқ коридорда унга дуч келдим. Йулини тусдим-да, «Сизни оллоҳ берган оллий неъмат — азиз умрингиз — туғилган кунингиз билан чин юрагимдан табриклайман», — деб қўлимдаги ҳамма гулларни унга узатдим. Минг афсуслар бўлсинки, узатган қўлларим ҳавода муаллақ қолди, оғайнимдан чиққан яхши сўзларим жавобсиз қолди. У тескари қараб чиқиб кетди.

оғайним ҳам уни ёқтириб қолди. У мен билан гаплашишни умуман хоҳламади. Лекин ҳовлида мажбуран бир оғиз гапим борлигини айтиб тўхтатдим. Атрофда талабалар кўпчилиги учун иложсиз тўхтади. Оғайнимни олдида гапирдим, ҳамма ниятларим фақат ҳақиқатлигини, уни яхши қуришимни, ҳаттоки йигирма кун ичида унинг номига ўй олиб бермоқчи эканлигимни, уни бир умр бахтли қилиб, машинамда қўғирчоқдек қилиб олиб юришимни айтганимда (мен шундай қилишга қодир эркак эдим), унинг чиройли кузларига ёш қурдим. «Пуллингиз, молу дунёнгиз, шону-шуҳратингиз фақат ўзингиз учун. Оддий кийим кийиб юрсам-да, лекин ҳеч қачон аёллик номусимни пой-

ахир биз ўғил кутган эдик-ку, деди. Иккита қизимиз бор, бу эса учинчи фарзандим эди. Мен эса қиз кутган эдим, — деганимда хотиним ҳайрон қолди. Ниҳоят мен ниятимга етдим — қизимга унинг исмини қўйдим. Мана қизим Гули, гулим менга ҳар дақиқа уни эсла-тиб туради.

Ҳозир у балки ота-онасининг олдидадир ёки тақдир насиб этиб турмуш қургандир. Агар шундай бўлган бўлса, қандай бахтли эркакнинг севишли хотини бўлди экан? Унинг чиройли гапиришлари, сирли қарашлари, ширин сўзлари қайси бахти бекам эркакка насиб этди экан? Уша пайтда унинг орқасидан кузатиб бориб, яшаш жойини куриб олманим менга жуда алам қи-

ланиб туради. Тилагим аёллик тахти, оналик бахти, ўзингизга хос қувноқингиз, покизалигингиз, аёлликка хос барча инсонийлик фазилатларингиз сизни бир умр тарқ этмасин, дейман. Гулим кеча олмасан сиздан ҳеч қачон, деб армон билан бу дунёдан ўткиб кетаман.

Энди «Икки йул орасида қолдим» мақоласига бир фикрим: мана бошимдан утган воқеани қисқача баён этдим. Ҳаётда мана шундай аёллар бор. Мен ҳамма нарсга қодир эркак эдим. Агар у рози бўлганда, унга уйланишимда эди, уни ҳеч нимага зориктирмасдан, оғзидан чиққанини муҳайё қилиб, уттиз кунда уттиз хил кийинтириб бахтли қилишга менда ҳамма шароит бор эди. Лекин минг афсуслар бўлсинки, мен бунга эриша олмадим. Менинг пулим, амалим, машинам, ўзим ҳам, умуман ҳеч қайси бири уни менга қарата олмади. Ҳаттоки сўрашиш учун узатган қўлларим шундай қилишга буш қолди. У мени узига яқинлаштириш у ёқда турсин, ҳаттоки юзма-юз гаплашишга йул бермади. Қизиқчилик қилиб, гоҳ шоирлик қилиб гапирган чиройли гапларим билан ҳам уни ўзимга боғлай олмадим. Гулидай аёллар олдида тиз чуксанг ҳам арзийди. Ҳа, у шунга лойиқ аёл.

Агар шу ҳолатларни мактуб эгаси сингари аёлга қилганимда у сўзсиз биринчи суҳбатдан сўнг рози бўлар эди.

Аёл ўз ҳаётида бир жойида ёзибди: «Аёл эркак ўртасидаги нозик нарсалар бизни боғлаб турибди», — дебди. Шу ерни ўқганимда шу аёлдан шундай нафратландим-ки, агар аёл киши ўзини ҳар қандай ҳолатда ҳам ушлай олса, ўзини тутта билса, энг зарури нафсини тийса ҳиёнат руй бермайдими. Ҳаётда мактуб эгаси сингари аёллар ҳам бор экан. Лекин беш қўлимиз баробар эмас, ҳамма аёллар ҳам шундай эмас. Мана мен Гулини минглаб пуллари, амалим, машинам, ҳаттоки қўрқитиш билан ҳам, умуман ҳеч қандай йул билан қулга ололмадим-ку. Демак аёл ҳиёнатга йул бермаса, ҳар қандай вазиятда ҳам эркак уни мажбурлай олмайдми — бу менинг шахсий фикрим.

Мана шу ёзганларим юрагимдан бир алам бўлиб отилиб чиқди-ки, соатлаб утириб ўзининг шахсий компютерига киргиздим. Янги 1999 йилда бир ниятим бор. Бу — фирмани номини ўзгартириш, яъни уни «ГУЛИ» деб атаيمان. Мен бу аёлни бутун вужудим, қалбим билан қаттиқ, жуда қаттиқ яхши қурганман. Ҳа, ҳаётда мен йиллар давомида орзу қилган қўлларимдаги аёлни учратган эдим. Минг афсус, мен унга еттиша олмадим. У менга насиб етмади.

Мана сизларга ҳаётимда бўлиб утган ҳақиқатни қисқача ёздим. Бу ҳақда қандай хулоса чиқарасиз, ўзингизга ҳавола...

ДАВРОНБЕК,

«АСЛЗОДА»

фирмасининг вице-президенти
Тошкент шаҳри

У АЁЛ БЎЛСА-ДА, МАРД ЭДИ...

Оғайним олдида нима деган одам бўлдим, уша бир дақиқада қандай ҳолатга тушдим билмайман. Ташқарига чиқдим-да, жаҳлимга чидайолмай ҳамма гулларни отиб юбордим, оғайнимни қўлидаги торти олиб отмоқчи эдим бир кексароқ аёл бунни уволи бор болам, менга бера қолинг, деди. Оғайним уни қўлига берди-да машинага утириб кетдик. Тугри Зарафшон ресторанига бордик, уша ерга жой тайёрлаб қўйган эдим. Аламиндан роса ичдим. Оғайним менга насихат қилди: кетингдан қанча қиз эргашиб юради, агар истасанг ана куча тўла, деди. Йўқ, менга ундайлар керак эмас, бир кунлик эмас, балки бир умрлик, фақат шу керак, — дея яна ичдим. Шунда билдимки мен уни ёқтириб эмас, балки қаттиқ яхши қуриб қолган эканман. Ресторанда қўшиқ қўйлаётган хонандани ёнимга қақриб олдим-да:

Юлдузларга етган

бу қўлим

Гул юзингга етмади,

гулим, —

деб бошланувчи қўшиқни саккиз мартаба айттирдим. Ҳа, рўстдан ҳам ҳар ерга етган қўлим фақат унга етмади. Ўзимни койирдим, йигит қани йигитлигини, шунчалар шону шуҳрат, молу дунё эгаси бўлсанг, Тошкентда бек бўлиб, обрў топиб, узатган еринга қўлинг етсаю, бир қиз юрагига йул топа олмасанг. Ниҳоят оғайнилари мажбурлаб ўйга кетдик. Қани энди ётиб ухлай олсам, аламиндан ичим ёнар эди. Эртаси кун «Оила ва Жамият» газетаси орқали туғилган кун билан яна табрик йўладим. Барибир ҳамма қилаётган ҳаракатларим зое кетаятганини билдим-да, маълум вақт бормадим. Йўқ, яна бўлмади. Бир кун узимга-ўзим айтдим — шу бугун бориб охири бор яна сурайман, агар яна шундай совуқ муомала қилса, кейин майли, дедим-да, оғайним билан бирга бордик. Шу орада

мол қилмайман. Қолаверса, аёллик гурурим, иродам мустаҳкам, чидамли ва бардошли аёлман. Мени кечиринг-у, сиз пулингиз билан ҳам, амалингиз, бойлигингиз билан ҳам мени ҳеч қачон сотиб ололмайсиз. Сиз бойлигингизга, мён эса ўзимга ишонаман. Яна бир бор олдимга келсангиз, ҳафа бўлманг, юзингизга тулпураман, тулпугим ичида чучки кетасиз, деди-да, — кетди. Шу кундан бошлаб юрагимдан нимадир ўзилди, ҳаётимдаги энг ноб ва азиз-зу қадри бўлган нарсамни йўқотгандек бўлдим.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам у аёл бўлса-да, мард эди. Кимдир чиройли гапириши билан, яна кимдир қараш билан кишини ўзига тартади. Унда аёлларга хос фазилатларини ҳаммаси мавжуд эди. Ҳаётга енгил қарамаслиги, ўзини доимо мағрур туттиши, фикрлаш қобилиятининг қучлилиги ва дунёқарашининг кенглиги, ўткнчи ҳою ҳавасларга бегоналиги билан юрагимда учмас из қолдирди. Охири бор илтимос билан айтдим: «Булмаса дуст бўлиб қолмайлик, илтимос, фақат йўқ деманг...»

«Й, сиз қизик одам экансиз-ку, аёл билан эркак ўртасида ҳеч қачон дустлик бўлмайди. Билмасангиз, бўлиб олинг, эркак фақат эркак билан дуст тутинади, аёл-эркак ўртасида эса дустлик эмас, балки муҳаббат ва яна бошқа нарсга туради, тушундингизми энди», дея менга жahl билан қаради.

Ҳа, шунчалар уйлаб гапириши, узокни кузлаб иш тутиши, оёғи остини эмас, балки охирини уйлаб туриб қадам қўйишлари билан у мени умуман тамом қилган эди. Мана шундан сўнг, ният қилдим — қиз қуриб, албатта исмини Гули қўяман. Хотиним ҳомиладор эди. Аллоҳдан кечасио кундузи қиз сурадим ва ниҳоят қиз қуриш бахти насиб этди. Тугруқонага кетяпману қувончим кечаси эди. Борсам, хотиним юм-юм йиғлапти, нима бўлди, десам

лади. Агар билганимда, балки ҳозир излаб топар эдим. Асосийси оилавий ҳаётини билар эдим. Яна бир нарсга ичимни эззидим, ўттиз олти ёшга кириб, шунчалар обрў-ҳурмат топиб, давраларнинг тўрида омадим келиб, ҳамма нарсга қодир эркак бўлсаму, наҳотки биргина шу аёлнинг қўлига йул топа олмадим-ки.

Гули! Агар турмуш қурман бўлсангиз мен сизни ҳамон яхши қўраман, излайман. Агар оила қурган бўлсангиз бахтли-тахтли бўлинг. Ҳаётда ҳеч қачон чиройли кузларингизда ёш бўлмасин. Сизга бўлган меҳру муҳаббатим, кечасиз турматим менга ҳеч қачон тинчлик бермайди. Чунки сизни бутун вужудим билан қаттиқ яхши қўраман. Сиз шундай муҳаббатга, ҳурматга арзийдиган аёлсиз. Оиламда эса сизни ҳар дақиқа менга эслатиб турувчи яна бир гулим бор, бу менинг бахтим.

Газетани ўқиганда, бу уша бир пайтлар кетимдан ялиниб юрган Давронбек, деб эсларсиз, уша вақтдаги зорланишларимни эслаб, балки фахрланарсиз. Қачонлардир бир айтган сўзингиз, мен ҳеч қачон ким бўлишдан қатъий назар, эркак зотига ялинмайман, керак бўлса ялантираман, деган чиройли гапларингиз юрагимга мисоли ўқ бўлиб теккан. Ҳа, мен ялиндим, лекин ҳаммаси бекор кетди. Муҳаббат шохни гадо қилади, дейдилар, тугри тушунинг, иқтисодий, моддий томондан жуда бой бўлсам-да, лекин қалбим руҳан эзилди. Шундай йигит, сизга қандайлар ялинганимни эсласам, юрагим аллақандай бўлиб кетди. Ахир менинг бир оғиз сўзимга интиқ қанча инсонлар турибди-ку.

Сизни бахтли қиламан, деб уйлаган не-не орзу-ниятларим, яхши мақсадларим ҳаммаси юрагимда бир умрга армон бўлиб қолди, Гули номингиз, ўзингиз эса бир умрга юрагимда муҳр-

ҲАЁТДА АДАШИШ МУМКИН...

«Мен энди нима қилай?»
(«Оила ва жамият» 40-сон)

Бобуржоннинг мактубидан жуда ҳам таъсирландим. Менинг ҳам ёшим 19 да. Бобурга дўстона маслаҳатим:

Бобуржон! Бу кўхна оламда нималар бўлмайди, дейсиз? Тугри, Х. исми қиз нотугри иш қилибди. Энди ҳаётда ҳар бир одам адашиши мумкин. Лекин сиз уни севадиз. Х. тугрисидаги ҳар хил гаплар ва шов-шувлар туфайли ундан воз кечсангиз яхши бўлмайди. Эртами-кечми Х. бошқа бировга турмушга чиқиб кетса, юрагингизнинг бир чети қаттиқ «дарз» кетгандек бўлади. Узингизни бирор бахтсизликка дучор қилмасдан Х.ни яхши-си кечиринг.

Адашган банда деганларидек инсон адашиши ҳам мумкин. Уни кечириб, тугри йулга солиш мумкин-ку! Бир-бирингизга бўлган муҳаббатингиз яна қайта тикланиб кетишига ишонаман.

Дилноза ЎРИНБОВЕВА,
Тошкент

СЕВГИДАН КЕЙИНГИ ҲАЁТ...

Бобуржон! Сиздан ёшим катта, оилалиман. Лекин, она сифатида сизга бир нарсани айтишни истардим. Севги — албатта олий ва муқаддас туйғу! Лекин, орадан бирор йил ўтиб севгидан кейинги «ҳаёт», «турмуш» деганлари бошланади-да. Оилада, рузгорда фақат севгига бағишланган чиройли сузалар айтилмайди, бу аниқ. Рузгорнинг баъзи камчиликлари бўлади. Орадан гап ўтиб Х.дан аччиқлансангиз (оилада ҳамма нарсаси бўлиши мумкин) кўз олдингизга хотинингизнинг «Уша» билан қўл ушлашиб тургани келмасмикан? Укангиз ва купчиликка ошкор бўлган Х.нинг «муҳаббати» кейинчалик йигитлик шаънингизга тегмасмикан?

Агар кимдир Х.нинг уша енгилтаклигини юзингизга солиб орийтингизга тегсачи? Унда уйга газабдан, рашқдан ёниб келиб Х.га қўл кутармаслигингизга, ўзингизни босиб олишга кучингиз етармикан?

Қайдам, ҳар ҳолда кейинчалик ана шундай дилхираликларга дуч келмаслигингиз учун Х.дан вақтида воз кечиб қўя қолганингиз маъқул бўлса керак.

УМИДА,
Юнусобод тумани

ЭНДИ КЕЧИРИМ СЎРАЙДИ

«Синган кўнгил изҳори». («Оила ва жамият» 38-сон)

Бу мақолани ўқиб жуда ҳам таъсирландим. Мана шу мактубни муаллифи Саодат опамизга қанчалик қийин бўлганлиги, турмуш ўртоғи унинг севгисини оёқ-ости қилганлиги, авлига билдириб кўнглига келган ишларини қилиб юргани, ўз хотини сингисининг умрига зомин бўлиши жуда мудҳиш ва ачинарли ҳол деб уйлайман. Балки бу аёл етим бўлганлиги сабаб, шу қийин кўнларни қургандир. Лекин етимни хўрлаган одам, бир кунмас бир кун мана шундай хўрланишини ҳеч уйлаб қурдимикан? Яратган эгамнинг олдида катта гуноҳга ботгани-чи? Бу одам охиратда дузахи бўлишига мен аминман.

Лекин бу эркакни мана шундай йўлларга кириб кетишига аввало аёлнинг ўзи сабабчидир. У аёл фарзандларини тирик етим қилмаслик учун, турмуш ўртоғини тергамаган, йўлдан қайтара олмаган. Охир-оқибат барибир болалар тирик етим бўлиб қолишибди, ўзи ҳам сочи оқарган чоғида ёлғиз қолибди. Мен ҳозир 32 ёшдаман. 24 ёшимда икки фарзандим эдим. Менинг бошимда ҳам қисман шундай кўнлар бўлиб ўтган. Лекин мен турмуш ўртоғимни бу йўлдан қайтаришга муваффақ бўлдим. Мен уришдим, тўртишдим, калтак едим, лекин бошқа аёлга бериб қўйганим йўқ. Эрим: «Уй-жойинг бор, ҳамма нарсанг етарли, сенга яна нима етмайди?» — деганида мен унга: «Менга сизнинг меҳрингиз етмай қолиши мумкин», — деб жавоб бериб, бу йўлга киришга йўл қўймаганман. Худога шукур, ҳозир эримни меҳри бутунлай менда ва болаларимда, лекин юрагининг бир четиди музлик, гашик ётади, чунки мен ҳам юриб, севиб турмуш қурганман.

Мана ҳозир 4 фарзандим онасиман. 1 қиз ва 3 ўғлим бор. Фарзандларим отасини жуда севишади. Отаси ҳам уларни жонидан ортиқ қуради. Дунёда ҳамма ҳам хато қилади, адашади. Эркакларга бефарқ қарамаслигимиз керак. Энди турмуш ўртоғим: «Ушанда сен мени йўлдан қайтармаганингда болалар етим бўлиб, оиламиз бузилиб кетар эди, яхшиям сен борсан», — деб қилган ишлари учун афсусланади ва мендан қайта-қайта кечирим сурайди.

Дилфуза РУСТАМОВА

ПУЛИМ БЎЛСА, КИТОБ ТЎПЛАРДИМ

«ИККИ ЙЎЛ ОРАСИДА ҚОЛДИМ»
(«Оила ва жамият» 34-сон)

Хурматли дугона! Билишимча сиз фарзандларингизни қийнаиб меҳнат қилиб, етишмовчиликлар орқасидан, қийин аҳволда катта қилмагансиз. Сиз учун ҳамма нарсаси муҳайё бўлган. Эрингиз бу

либ қолди. Мана энди бизни қанчалар хўрлаган бўлса, Аллоҳ Таоло унга жазосини бераёпти. Лекин тавбасига таянармикан? Иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда қийналган пайтларимиз кўп бўлди. Болаларим тез-тез касал

одоб-ахлоқ ҳақида ҳадис китобларини алоҳида бир тарафга, ҳозирги пайтдаги шоир ва ёзувчиларимизнинг китобларини алоҳида, сиҳат-саломатлик ҳақидаги китобларини алоҳида ва фарзандларимнинг ўқиш китоблари

Аллоҳ Таоло сизга яхши эр, ширин фарзандларни, ҳалол молу дунёни бериб қўйган. Бундан ортиқ бахт борми дунёда? Бутун ер

юзининг аёллари шундай бахтни хоҳлайди. Лекин бундай бахтга сазовор бўлган аёллар кўп эмас. Эрингиз сиз учун бозорлик қилиб берган озиқ-овқатларни у киши 7-қаватдан отиб юборгани жуда хунук воқеа қўлибди. Нонни оёқ ости қилган кимса хор бўлади. Ахир шу ҳам инсофданми, шундай кишини инсон сифатида қабул қиласизми? Дунёда қанчадан-қанча ноннинг ушогига зор одамлар бор. Ҳар бир инсон ҳаётни олдиндан кўра билиши керак. Ҳар биримиз мен ҳаётимда нима ишлар қилдим, унинг оқибати нима бўлди ёки қандай ишлар қилдим оқибати нима бўлди, деган саволни ўз-ўзимизга беришимиз керак. Биз ҳамиша билишимизни оширишимиз, ҳаётимизни гуллайтишимиз керак. Даракх кийишқ усса, уни тугрилаб бўлмайди, қандайдир шароит қийишқ уссишга сабаб бўлади.

Ёмон тарбия қурган одам ҳам яхши одам бўлмайди. Айниқса узини яхши қурадиган, фақат узини уйлайдиган, узининг манфаати учун ҳамма ёмон ишларга тайёр, айш-ишратни уйлайдиган, мактанчок, ёлгончи, бебурд,

тухматчи одамлар ҳам бор. Бундай одамлар билан яшаб бўладими? Бундай одамларнинг пайдо бўлишига ота-оналарнинг ёмон тарбияси сабаб, деб уйлайман. Болани ниҳоятда эрқалатиш, айтганини муҳайё қилиш, ёмон йўлда юрса ҳам вақтида қайтармаслик ёмон иллатлардандир. Келажакда бу боланинг фақат ота-онага эмас, атрофдагиларга ҳам катта зарари тегади. Инсон гузаллиги бойлиқда, ҳуснида эмас, унинг пок қалбидадир. Бу гапларни мен ўзимнинг ҳаётимдан келиб чиқиб, ҳулоса қилиб ёзаяпман. Лекин сиз у қадар ҳам пасткаш одамлардан эмассиз, деб уйлайман. Сиз фақат ҳаётда қаттиқ адашгансиз. Сизга йўл-йўриқ берадиган одам бўлмаган. Сиз шу ҳаётдан тегишлисини олиб, ўзингиз ҳулоса қиларсиз. Мен хатимни тугатар эканман, сеvimли аёлларимизга, қизларимизга соғлиқ, садоқат, меҳр-оқибат, ҳалоллик ва қалб гузаллиги ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан.

О.
Тошкент вилояти

ЭТИРАМ ИЛА ВОХИДОВЛАР ОИЛАСИ



Харматин Шифоқулжон
ака ва Озодатон она!
Таваллуд кунингиз муборак бўлсин! Сизларга узоқ умр, соғлиқ тилаймиз! Хонадонингиздан кут барака ари масин, куша қариб юринглар.

Эҳтиром ила
Воҳидовлар оиласи



Азиз ғалими
Шоиржон Эргашев!
Таваллуд айёмингиз муборак! Сенга соғлиқ, узоқ умр тилаймиз!
Эҳтиром ила —
отанг Эгамназаров
Ҳасан, онанг Умида,
амманг Санобар,
бувинг Тургумбуш

Нилуфархон
ва Сардорбек!
Муборак Никоҳ тўйингиз — катта ҳаётга катта орзуниятлар билан қуйган қадамингиз қутлуг бўлсин. Илоҳим куша-қариб, ували-жували бўлиб, мурод-мақсадингизга етинглар.
«Оила ва жамият»
газетаси жамоаси

МОРЕНА КЛАРА — ТУҒИШГАН СИНГЛИМ

Автобуста кетаётиб, икки аёлнинг ажайиб суҳбатидан баҳраманд бўлдим.

— Вой, қўшнижон, кеча Кларани кўрдингизми? Валентин билан Андино бир-бирининг сочини бирим юлишдики, асти қуяверасиз.

— Кларангиз ҳали ҳам тугамасми?

— Шу билан уч марта беришпти, барака топгурлар. Қўравериб, шу Клара туғишган синглимдай бўлиб қолди. Қўрсам юрагим эзилиб кетади, бечорани.

— Бетайин бир қизини-я?

— Ҳой, нега бетайин дейсиз? Шурилик етим усган бўлса, бир йигитни севса севибди-да?

— Севмай улсин! Тушуниб бўлмайди. Бир қарасанг бир хотиннинг учта уйнаши, бир қарасанг...

— Эй, қуйинг уша сериалингизни. Бошқа гап анқонинг уруғи бўлибдими?

— Ия, қизиқ экансиз! Тушунамайман дейсиз. Ахир менинг тўртга қирган қизчам ҳам

бошдан-оёқ шарҳлаб беради. Катталарини айтмасангиз ҳам бўлади.

— Менга қолса, шу кинони «отиб» юборса ҳам майли. Қизларим бир-бирига Линда-Минда деб лақаб қуйишиб олган. Мен Мохуанна эмишман. Қураепсизми?

— Ахир қўшнижон, фильмда романтик муҳаббат қуйланаяпти. Ўзингиз севмаганмисиз дейман-а?

Гап шу ерда узилди. Иккинчи аёл бу кинояли саволни қўрмаган шекилли, лабини буриб уридан туриб кетди.

Бу икки аёл узлари ҳам сезмаган, билмаган ҳолда ҳақиқатда бугунги кунимиздаги долзарб бир масала устида баҳслашганди. Шу уриқда мен ҳам ўзбек оилаларига, умуман миллий ахлоқимизга салбий таъсир этувчи «Морена Клара» телесериалига бўлган баъзи эътирозларимни билдирсам.

Бу турган-битгани сохта, ҳақиқий ҳаётдан йироқ, маъно-мазмунсиз фильмни кураётган ўсмир қизларимиз ва мўйловчи

сабзалаб қолган йигитларимизда севги-муҳаббатга бўлган қарашлар сийқалашиб кетмаёптимики? Деярли ҳар кун иш ўзбек хонадонларида қирқ беш минут етти яшар ўқамиздан тортиб етмиш ёшли момомизгача шурпешона Клара дарди билан «Вн-моқда».

Миллий маданиятимизга мана шу йул билан бегона бир маданият «оқаваси» келиб қўшилмоқда. Фильмдаги хотин-бозлигу, жазманбозликларга баъзи ака-укаларимиз, опа-сингилларимизнинг тақлид қилиш-шағтанига нима дейсиз?

Инсонни руҳий ва ахлоқий камолот сари етаклайдиган, вафодорлик, поклик, ватанпарварлик ва эзгулик ғоялари илгари суриладиган, ўзимизга, руҳимизга қийн турк, ҳинд, араб ва шунга ўхшаш халқларнинг энг яхши кинолари танлаб олиб қўйилса, айнаи муддао эмасми?

Сиз нима дейсиз?

Олим ЭШНАЗАРОВ,
ТошДУ талабаси



ТУШ ТАЪБИРНОМАСИ

ОҚ ОТНИ КЎРДИМ

Бу тушни кўрганимга анча бўлди. Лекин ҳозир ҳам кўзимни юмиб эсласам, кўрганларимнинг ҳаммаси намоян бўлади.

Гўё, ер билан осмон ўртасида бир ажайиб катта оқ иморат қурилган эмиш. Куббалари ҳам бор. Тартиб билан экилган дов-даракларнинг шох-шаббаларию япроқлари бамисоли қўлда ясаб қуйилганга ўхшайди. Ер бетини ям-яшил майса утлар қоплаган, ранги-руйи бирим мусаффоки, сўз билан ифодалаш мушкул. Шу жойда битта оқ от юрибди, аммо туғи майса утларни босаётгани ўҳуд пайхон қилаётгани йўқ. Мен ҳайрат ичра қувониб уйғониб кетдим. Кўзларимни очгим келмайди, очсам, кўрганларимни йўқотиб қуяйдигандекман, гўё. Ҳарчанд орзу-умид қилмайин тушимнинг давомини қўролмадим. Бироқ, руҳим

тетик, вужудим энгил, кайфиятим чоғ бўлиб уйқудан турдим. Бир неча кун шу кўрган тушим таъсирида юрдим. Орадан анча вақт ўтди. Баъзи газеталарда тушимдаги манзара ва воқеага оид мақолалар чоп этилди. Фақат уларда оқ от йўқ эди. Ўша манзарани чет эллик олимлар қандайдир бир қурилмада суратга туширишгани бу Аллоҳнинг уйи эмиш, гўё. Мақолаани ўқиб ҳайратга тушдим. Бу қандай сир-синоат экан? Аллоҳнинг менга юборган бир марҳаматимикан! Сира ақлим бовар қилмасди. Сирли олам сирларини ечишга бандаси ожиз эканига яна бир қара иқдор бўлдим, шу кўрган тушимдан кейин.

Н. ТҶУХТАЕВА,
Тошкент



«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» УГИТНОМАСИ

Ўтган кунингга
солгин назар,
Меҳнатсиз
бойликдан қил
хазар.

Ғариблар кўнглини
шод этса киши,
Элу улус ичра ошар
обрўси.

Ақлинг етмаган ишга
кул урма,
Сунгра пушаймон
булиб юрма.

Оёкка ўралса захар
ли илон,
Жонингга озор бер
май янч шу он.

Қўшнинг уйига туш
са агар ўт,
Душманинг бўлса
ҳам гинанг унут.
Ақбар Рўзи ўғли

Маслаҳатхона

КАРТОШКА, САБЗИ, ПИЁЗ КУНДА КЕРАК...

Кечки картошкани қишга қандай қилиб сақлаш мумкин? Аввало картошка яхшилаб сараланади, офтобда 2-3 кун ёйилади. Кейин эса ҳовли уйда турувчилар урада ёки ярим метрча ерни қовлаб қумиб қўйсалар ҳам бўлади.

Қўп қаватли уйда турувчилар эса картошкани сақлаш учун ёни очик яшиқлардан фойдаланиб, яшиқнинг остига ярим пақирча тўпроқ солиб қўйсалар ёки ҳар бир яшиқнинг урта қисмига бир метр банка шишага ёки фантанинг елим идишини иккига бўлиб сув солиб қўйсалар, қиш буйи намини йўқотмай туради. Сабзини эса қўп қаватли уйда сақлаш қийин. Ҳовли уйда сабзи сақламоқчи бўлганлар унинг икки томонини бироздан қалин пўчоқчалик кесиб ташлаб тўпроққа қумсалар уз ҳолича туради. Ура ёки ертўлада сақлаганда эса анча буришиб, сувсиз бўлиб қолади.

Пиёзани ҳам 2-3 кун офтобда қуригач, қўп қаватли уйда яшовчилар махсус сеткага солиб атрофидан шамол утиб турадиган жойларга осиб қўйсалар, пиёз қуқариб кетмайди. Ҳовлини уйда яшовчилар эса унинг болаҳонасига бир қатор қилиб териб қуйишса, яхши сақланади.

Қўндалик эҳтиёж учун зарур бўлган картошка, пиёз, сабзиларни қиш учун юқоридагиларга амал қилган ҳолда сақласалар дуруст иш қилган бўладилар.

Саидмурод САИДАҲМАД

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Сизнинг энг қадрдон
сирдошингизга айланган
нашрингиз учун 1999 йилга
обуна давом этаётганини
биласизми? Бўш
вақтларингизнинг мароқли
ҳамроҳи — севимли
газетангиз «Оила ва жамият»
га обуна бўлишни унутманг!

Миробод
туманида
3 хонали,
3 сотих
ери бор
ҳовли
СОТИЛАДИ.
Тел:
55-48-24.

Эр-хотин бўлишнинг жуда куп қонун-қоидалари, белгилари бор. Лекин уларнинг орасида энг муҳим маросим — никоҳ узуги алмашиги садақот ва муҳаббат рамзи, аҳиллик белгиси деб қаралади.

Никоҳ узугининг бунёдга келиш тарихи қизик. Қадимдан кучманчилар уз севгилисини (қочиб кетмаслиги учун) оёқларига ялпиздан уралган айлана билан боғлаб қўйган. Кейинчалик унча мустақкам бўлмаган ялпиз «кишан»лар чарм билан ал-

узуги тақади ва «безакли, каттакон узук тақишга ноқулай» эканлигини эълон қилади. Шу тариқа безакли узуклар истеъмолдан қола бошлайди.

XVII асрда никоҳ узуги яна янги қўриниш касб этади: у икки: бири ёқут — садақотни билдирувчи; иккинчиси сафсар — муҳаббатни ифодаловчи қўллар чирмашишидан иборат бўлади. Шу даврда майда гавҳарчалар билан безалган узук ҳам расм була бошлайди.

XIX аср — романтизм ва

«НИКОҲ УЗУГИНИНГ ТАЪРИФЛАРИ»

маштиралиди. Сўнграқ эса тош узуклар бунёдга келди. Римликлар эса ушбу маросимга тамомила шартлилик бахш этишди: улар ўзлари танлаган қайлиқларининг бармоғига узук-дастлаб темир, кейинроқ эса тилла тақиб қўядиган бўлишди. Дин ушбу маросимга тантанали руҳ берди: шундан бери келин-куёв бир-бирларининг бармоқларига узук тақадилар.

XV асрда Европадаги кироли саройларида Ҳиндистондан келтирилган олмослар кенг тарқала бошлайди. Никоҳ узугини эса олмос билан безата бошлайдилар.

XVI асрда қўшқават никоҳ узуги одатга қиради. Унга ҳатто бир-икки оғиз табаррук калималар ҳам ўйиб ёзилади. Масалан, «Осмондан ерга тушган никоҳни одам қўли билан ажратиш мумкин эмас». Ушбу янгилик расм бўлиши билан узукларни ёқутлар билан безаш фақат юқори доирадагилардагина сақлаб қолинади. Лекин 1554 йилда Мария Теодор Испаниянинг бўлажак кироли Филипп II га турмушга чиққач, оддийгина никоҳ

саноат инқилоби асри сифатида тарихга киргани маълум. Энди безаклар аёлларга уз аёллигини намойиш этиш учун хизмат қила бошлайди. Бундай безаклар қўлчиликнинг ҳамёнига ҳам мослаша бошлайди. Никоҳ ўқитганда севгилисига қўзида қимматбаҳо тош бўлган узуклар совға қилиш расм бўлади. Туйда эса думалоқ тилладан ишланган узук тақиланди.

XX асрда эса никоҳ узуги ёнига, худди генералнинг ёнида юргандек, қўзли узуклар қўиш одат тусига кира бошлайди. Бу турмушнинг маълум босқичларида, угил, қиз туғилганда, қумуш, олтин тўйларда авж ола бошлайди.

Начора, замон олға бораёпти: яқин-яқинларда ота-боболаримиз бир коса сув билан никоҳланар эдилар. Ҳозир эса никоҳдан утишининг ўзи қадим римликлар, бобилликлар тўйидан ҳам ошиб тушапти. Ҳар ҳолда, садақот, вафо ҳамиша бойлик билан ўлчанмаслигини барчамиз тушунаемиз.

Хонбиби ҲИММАТ қизи тайёрлади

АРЗИ ҲОЛ

«КҮН ЧИҚИШ» ДА КҮН КҮРИНМАЙДИ

Тахририятимизга Сурхондарё вилояти, Қизирик туманидаги «Гиламбоб» деҳқон-фермер уюшмасининг иккинчи бўлимида яшовчи Раим Қиличевдан хат келди. Мақтуб муаллифи ўзи истиқомат қилаётган «Кун чиқиш» маҳалласидаги шарт-шароитлар ҳақида қўйиниб ёзади.

— Маҳалламизда табиий газ йўқ, электр симёғочлари тортилмагани учун хонадонларда чироқлар тез-тез ўчиб туради. Аҳоли тоза ичимлик сувини 400—500 метр масофадан ташиб келиб истеъмол қилади. Куча ва йўлақларимиз носоз, асфальт қилинмаган. Биз маҳалла аҳли бу муаммоларни ҳал этиш учун бир неча марта туман ҳокимлигига мурожаат этдик. Лекин фойдаси бўлмапти. Шундан кейин севимли газетамизга арзи ҳол қилишга мажбур бўлдик. Сизлардан илтимос, ушбу хатни ҳокимликка юборманглар, барибир натижа чиқмайди, — деб ёзади кўнжач муштарийимиз.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисида Президентимиз фармони эълон қилинганига ҳам кўп вақт бўлди. Шунга қарамай Республикаимизнинг турли қишлоқларида ҳамон вазият ўзгармай келмоқда. Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасида етарлича ишлар қилинмапти. Хусусан, Қизирик туманидаги «Кун чиқиш» маҳалла аҳолиси айни пайтда тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлангани йўқ. Шунингдек, электр энергиясидан фойдаланишда ҳам узлуksизлик мавжуд. Чамаси, ҳали-вери «Кун чиқиш»да кун қўринадиганга қўёш чиқади-ганга ўхшамайди.

К. ТОШМИРЗАЕВ

Аччиқтош

УЙИМИЗ ЧҲКМАСА БҮЛГАНИ...

Редакциямизга кўнжач газетхонларимиздан бири кўнграқ қилиб уз арзи ҳолини баён этди.

Ана шу шикоят сабаб баҳонасида йўлга чиқдик. Тошкент шаҳар А. Икромов тумани 31-мавзе, 45-уйга яқинлашишимиз билан кучадаги ифлос сувлар йиғиндиси — қўлмақлардан «сузиб» ўтишимизга тўғри келди. Бунинг сабабини ота-оналар ва маҳалла қўмитасининг раиси Эргаш Юнусовдан сўрадик.

— Бу ерга кўчиб келганимизга 8 йил бўлди, — дея суз бошлади Эргаш ака. — Ертула ҳар доим сувга тула, йиғинди, ифлос сувлардан атрофга қўланса ҳид тарқалади, пашша, чивин, нонхўрақлар болалаб кетган. ЖЭК (уй-жойлардан фойдаланиш идораси) ходимларига юз марта лаб чиққанмиз, бир-икки марта ертула сувини насос билан тортиб берган бўлишди-ю, лекин ҳеч қанча утмай ертула яна сувга тулади. Чунки ертуладаги трубалар чириб, тешилиб ётибди. Уларни янгиси билан алмаштириш, капитал ремонт қилиш керак. Мана бу сиз кўрган қўлмақлар ертулада сув тулиб-тошиб кетавергач, уни қўвур билан кучага оқизганимиздан пайдо бўлаяпти. Ахир бошқа иложимиз йўқ-да, уй қўчиб ҳалокат ёқасига ҳам келиб қўлиши ҳеч гапмас.

— Майли биз рози эдик, — дея гапни давом эттирди 290-хонадонда яшовчи Ш. Қўнқорова, — ертуладаги трубаларни алмаштириш учун кетадиган харажатларга ўзимиз пул ҳам йиғардик. Фақат аҳволимиз яхшиланса бўлди. Ахир қийналиб кетдик. Болаларимизнинг юқумли касалликлардан боши чиқмай қолди.

— Уйимизни ичига кирсангиз аҳволни кўрасиз, — 293-хонадонда яшовчи В. Ҳасанова суз олди. — Ертуладан урадиган қайноқ суз буги оқибатида хоналар деворлари кукариб, моғорлаб кетган. Ҳавоси нам, зах. Албатта, «денгиз» устида яшаганимиздан кейин, шундай бўлади-да. Хоналар пашша, чивинга тула — эшикдан ҳайдасангиз тешикдан киради. Кечаси билан болаларимиз ўхлай олмай қийналишади. Пашшаларни улдираверганимиздан деворларимиз қип-қизил қон, йўлақларимиз қўрт-қўмурсқаларга тула. Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да, уйимиз қўчиб кетмаса деймиз-да.

Биз аҳолининг ҳақ талабига жавоб излаб ЖЭКка бордик. Лекин раҳбар йўқ экан. Унинг муовинига 45-уй аҳолисининг арзи-додини етказдик. Муовиндан айтари бир гап ололмадик. «Мен ҳеч нарса дейлмайман»дан нарига утолмадик.

Шоядки Ал-Ҳоразмий-31 мавзеси аҳолисининг ҳақли талаби газетамизда чоп этилгач А. Икромов туман ҳокимиятидаги мутасадди раҳбарлар масалани ижобий ҳал этишга киришишар, деб умид қилиб қоламиз.

Н. АННАЕВА

— Бахт нима ўзи? — дея савол бердим ҳамсуҳбатим, Қашқадарё вилоят тadbиркор банкининг Яқкабоб бўлими хизматчиси Санобар Исмоиловага.

— Менимча лотореяда «Нексия» машинаси ютиб олиш бахт булса керак.

— «Нексия» уч йилда эскиради, — дедим мен. — Кейин нима қиласиз?

— Булмаса узингиз айта қолинг, — деди у.

— Яхши, — дедим-да Дангла исмли пули қиз ҳақидаги ривоятни айтиб бердим. Пули қизга никоҳ кўни келинлик либосида, буйнига турва, қўлига сигир-табқ олиб, худоларга сажда қилиб онт ичади: «Мен пули қизи Дангла, онт ичаман, тиламчиликдан топган нон билан эримни боқаман. Ум-

римнинг охиригача эримга содиқ қоламан. Эримга ҳиёнат қилсам, қобра илони захридан ўлай»

Қиз қасамига содиқ қолиб, оёқларини тош, тиканакларга қонатиб, чулу биебон, тоғу тош кезади, эри-

буйнингдаги дуру жавоҳирлар ҳеч биримизга насиб қилган эмас.

— Ахир булар фақат тақинчоқларку, — дейди Дангла қўлиб. — Асосий бахт эримга содиқлигимдadir.

— Санобархон, — дедим мен. —

БАХТ НИМА ЎЗИ?

ни нон бўлақлари билан боқади. Қаҳратон совуғиyo, саратон иссиғида дарёлар бўйида, қишлоқ, шаҳарлар яқинида қодир текиб, осмонни қурпа, ерни эса тунақ қилиб хабаш эри оғушида эркаланган пули аёли чинакамига бахтлидир.

— Дангла, — деди унинг дугонаси. — Сен бахтлисан, қарагин

Дангла исмли пули қизга бахт қуши осонлиқча қўнганми? Сиз ҳам айни бир оиланинг гулдeк бекаси бўладиган ёшдасиз, бордию совчилар келса, тақдир синовларини қандай қутиб ололқисиз?

— Биласизми, — деди Санобархон жиддий. — Сизнинг ҳикояларингиз менинг фикримни ўзгартирди.

СИРЛИ СУҲБАТ

Яъни ҳали-ҳануз мен, аёл кўп оқ пул топса, оилада ҳукмрон бўлади, деб уйлardим. Энди бу хом фикрларни калламдан чиқаришга мажбурман. Бордию совчилар келса, қўвнинг буйи мендан баланд булса бас, ёшидан қатъий назар оддий ишчи бўладими у, хизматчи бўладими унинг мавқесини олий даражага қўяман. Ўзим киймасам-да уни тоза, янги либосларда, ёқалари қордек қўйлақларда кучага чиқараман. Агар рoстдaнам эрнинг ишончи, муҳабати эвазига оилада бахтиёрлик ҳукм сурса мен уни қозонишимга кўзим етади.

— Никоҳ туйингизга мени албатта тақлиф қилинг. Келаман, — дедим мен.

Исоқ САТТОВОВ

ФИКР

Маҳаллани шодиёнага тулдирган, қариндош-уруғларни елиб-югуртирган туй ҳам бир кунда утди—кетди. Энди туйдан кейинги кўпчилик кутган маросимлар бошланганди. Айниқса, никоҳ туйларининг расм-русумлари куп. Шуллардан бири келин саломидир. Маълумки, бу удумга кўра, туйдан кейинги кунни эрта тонгда эгиллиб-эгиллиб таъзим қилаётган сулув келинчаки янгалар ҳовлига олиб чиқишади. Кайвони бор овози билан «хай-хай»лаб қичқиради. — Хой, кайнотаси, хой кайнонаси кани келинлар, курманасини олиб кела қолинглар!...

Бироз ҳаяжонланган кайнона, басавлатгина кайноталар қулларидидаги совға-салом билан юз курагга келишаркан, шаддотгина кайвони келинчақ уқтиради:

— Мана кайнотангиз келинпошша, шу бугундан бошлаб уз отангиздек ҳурмат қиласиз, кайнонангизни эса уз онангиздек қуриб бажондир хизматларини елиб-югуриб бажарасиз!... Келинчақ «салом»га эгиллади.

«Утган кунлар»даги Ўзбек олимнинг Отабекка таъна билан «Келинчақликнинг, келинликнинг бор фазилати ҳам уриндан туриб чой узатишда-да!» — деганидек, ёш келинчақнинг барча вазифаси ҳам уй-рўзгор юмушларини саранжом-сарих талашу нонушта тайёрлаб, кайнона-кайнота қўлга сув қуйишдан иборат. Бу каби гузал урф-одатларимиз келинчақнинг ҳулқу одоби билан нафосатини намойиш этади.

Ҳа, қиз болани палаҳмон тоши, дейдилар. Бунага етгач учирма қили-

нади, бегона бир хонадонга келин бўлиб тушади. Бир-икки ой давомида узлари билмаган—курмаган оилавий муҳитга кўникиб, хонадоннинг ҳар бир аъзоси билан тил топишиб, аҳил-иноқ бўлиб кетишади. Айниқса, кайнона-кайнонага узгача ҳурмат-эҳтиром қўрсатишади. «Ойижон», «адажон»лаб эъзозлашади. Ота-оналар ҳамда янгаларнинг қайта-қайта уқтиришлари туфайли, қизлар келинлик хизматларини уз урнига қўядилар.

ХОТИНИМНИНГ ОНАСИ... КАЙНОНАМ...

Бирок мени уйлантираётгани бу эмас. Бўлгуси «қуввуралар»га ҳам келинлар каби яқинлари йўл-йўриқ қўрсатишармикан, панд-насихатлар қилишармикан? Бундай дейишимизнинг боиси бор, албатта. Кўп марта курган-қузатган, бевосита гувоҳи бўлган ноҳус манзара ва воқеа сабаб шундай савол туғилиши табиий. Кўп ҳолларда янги қуввураларни қизнинг қариндош-уруғларига, айнан ота-онасига нисбатан муносабатини қуриб энаси қотади кишининг.

Маҳалламизнинг энг одобли, гузал қизи қўшни маҳаллага келин бўлиб тушди. Қувв-келин туйдан кейин қайсибир байрам арафасида келиннинг уйига келишди. Қувв бўлмиш акамнинг дўсти эди. Эски қадрдонлар топишиб шахмат уйинига

шунгиб кетишдию, бошқа ҳамма нарсани эсдан чиқардилар. Бу орада келиннинг синглиси бир неча бор келиб кетди: «Почча, сизни чакришаяпти, овқат тайёр бўлди», — деди. Лекин қуввурта пинагини бузмай утираварди.

Анчадан кейин шундай «элчилик» яна такрорланди. Қувв эриниби уридан қўзғаларкан норози бўлиб тунгиллади.

— Шу ёққа келишдан юрагим бе-зиллайди. Хотинимнинг онаси турга утқазиб қуйиб «олинг-олинг»лаб жонимдан туйдириб юборади... Кайнотам-ку, гапирвериб қулогимни қоқиб қўлимга беради.

Афсуски, кайнота-кайнонага нисбатан шунга ухшаш бепасанд муносабатда бўладиган тарбиясиз қуввлар ҳам учраб туради. Улар билан муомила қилганда «ададам», «онам» деган сузларни кам айтишади.

Уша йигитнинг хотинини яхши танийман. Бир кун уни қувада учратиш қолдим. Онасиникига бирров келиб кетаётган экан.

— Қалай, янги хонадонларга ўрганиб кетдингизми? — деб сураганимда озгидан бол томиб кайнона-кайнотасини мақтаб кетди:

— Биласизми, ойижоним билан адажоним шундай ажойиб инсонларки, уларни бир соат курмасам соғинаман. Мен ҳам уларга ўз қизидек бўлиб қолганман. Кейин эшитсак, «баланд охурдан ем еган» кайнонаси бир ҳафталик келинни «утирса ўпоқ, турса сўпоқ»лаб ерга уриб гапираркан. Лекин келинчақ

рофидаги маҳалла-қўй мазорнинг бир чеккаси бўзилиб, текисланишига норозилик билдиришибди, ҳатто қаршилиқ ҳам қўрсатишибди. Яна айрим узунқулоқ гапларга қараганда уша йўлни кенгайтираётган бўл-дозерчининг қўл-оёқлари ишламай шол бўлиб қолган эмиш... Эмишчи, уша қурилиш раҳбарларидан бири ақлдан озиб, оғзи-бурни қийшайиб қолганмиш... Шунинг учун кўпчилик ишчилар белкуртакларини ташлаб «ишламаймиз, гуноҳга ботгимиз келмаёпти», деб кетиб қолган эмишлар...

Азизбеков қабристонларни бузиб бўлмаслиги ҳақида илгарчи ҳам эшитган, лекин у ердаги инсу-жинслар, арвоҳлару-руҳлар деган гапларга ишонмас, уларга уйдирма ёхуд бидъат ва хуруфот деб қарарди. Шунинг учун бу масалага унчалик жиддий эътибор бермади. «Иш да-

Азизбеков сочлари шу соҳада оқарган, отаси тенги бу одамнинг гап-сузларини тинглаб утираркан, негадир қулгиси кистади.

— Наҳотки, сиз ҳам «у дунё, бу дунё» деган гап-сузларга ишонсангиз, Мавлон ака? — деб суради ундан ва жавобни кутиб ўтирмай ўзи давом этди. — Одам улгандан кейин ундан бир ҳовуч суягу сунгак қолади ҳолос. Қолгани тупроққа қоришиб кетади. Ахир бу ёш болага ҳам маълум оддий биологик ҳодиса-ку! Ҳеч қанақа руҳ-пўх деган гаплар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас! Биз реал ҳаётда яшаётганимизни унутманг, норейал нарсаларга умуман эътибор бермаслик керак, вассалом!..»

Азизбеков шу билан гап тамом деб уйлаган эди. Янглишган экан.

Йўл қурилиши бошлиғи Мавлон Мирзаахмедов, ана уша қап-қатта

Эркин УСМОНОВ АЖАЛ ХИЁБОНИ (Саргузашт-мистик қисса)

вом эттиравирисин», дея янги фармойиш берди. Лекин барибир у ердаги ишларнинг улда-жўлда ётгани ҳақидаги гап-сузлар ҳамон озгидан-озгизга ўтиб юрарди. Қайси кунни йўл қурилиши бошлиғининг шахсан ўзи келиб вазиятни тушунтирди. Жуда қийналиб кетаётгани, маҳалла-қўйнинг қаршилиқ қўрсатаётгани, йўл қуришда чиққан одам сўнжлари ишчиларни доводиратиб қўйгани ҳақида гапириб анча азмойиш қилди.

одам мана бугун бир талай одамларни унинг ҳузурига бошлаб келиб утирибди. Азизбеков қабулида утирган одамларнинг кўпчилигини яхши танирди. Ана у — думбоқ муштани нозик иягига тираб хаёлчан утирган дундиқнаа жувон — Мадина Махмудова. Шаҳар ободончилик бошқармасидан. У билан биринчи марта хизмат юзасидан Америкага бориш-ган кезлари танишган эди.

эса...

Қизларимизга туйдан олдин ва кейин ҳам энг аввало қувв томонинг яхшисини ошириб, ёмонини яшириш ўргатилади. Булажақ қуввларга эса бу соҳада етарли сабоқ берилмаётганга ўхшайди. Бу йўсиндаги таълим-тарбияни биринчи навбатда оилада йўлга қўйиш керак. Қолаверса, мактабларда ўқитилаётган «Одобнома» дарсларида айнан шу каби масалаларга кўпроқ аҳамият берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ана шунда қўпгина ноҳушликларга йўл қийилмайди. Туйдан кейин ҳар хил «айти-айти», «деди-деди»лар келиб чиқмайди, асаблар таранглашмайди. Энг муҳими муқаддас гуша ҳисобланган оила мустаҳкам қўрғонга айланади.

Азизлар! Ушбу оқоридидаги фикрларимизни айтиш билан Алпомишсифат қуввларимизга, Барчинойдек келинларимизга таъна эмас, лекин ҳар ҳолда Шарқона оилавий муносабатлар фақат шарқликларга хос бўлгани дуруст деймизда. Қолаверса кўпчилик муҳлисларимиз орасида Юсуфбек Ҳожибек роийишли кайноталар, Ўзбек олимдек бағри қувв кайноналар кам эмас. Бўлгуси оила қуражақ ёшларимизга ҳам уларнинг фикрларини ёритиб бориш мақсадида ушбу масала ҳақида гап очишни маъқул қўрдим. Ва бу ҳақда Сиз доно газетхонларимизнинг мулоҳазаларини мунтазам ёритиб боришга қарор қилдик.

Басира САЙИД АЛИ

(Боши ўтган сонларда)

Наҳотки, шу арзимоган масалага келганда хатога йўл қўйган бўлсам? — уйлади у. — Шаҳар Бош лойиҳасига кура бозорга ва шох-бекарга йўл очилиши керак экан, шу йўл аҳолига қўлайлик яратиш ва транспорт ҳаракатини қўлайтириш учун хизмат қилиши кўзда тутилган, бунинг учун эса йўл четидидаги қўнра қабристоннинг бир чеккасини текислаб катта қўнрага қўшиб юбориш керак эди. Аксига олиб бу йўл ҳам, уша ланнати қабристон ҳам Азизбеков раҳбарлик қилаётган туман ҳудудига жойлашганди.

Азизбеков шаҳар маъмуриятидан шу ҳақда топириқ келган кўнра, бу масалани тегишли бўлимларга топширган ва лойиҳалар асосида ишлаб чиқилган, уларнинг маълумотлари билан танишиб чиқиб қарорга имзо чеккан эди.

Нафсиламрини олгандаку, бу ерда бош қотириб утирадиган муаммонинг ўзи йўқ эди. Ҳаммаси турмуш фаровонлиги, аҳоли эҳтиёжи учун қилинапти. Азизбековнинг бунга ишончи қомил эди. Шунинг учун ҳам «подшонинг амри ҳожиб» деганларидек Азизбеков қарорга имзо чеккан кундан бошлаб кучани кенгайтириш ишлари бошланди. Аммо орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас шаҳар ободончилик бошқармасидан унга сим қоқишди. Унинг буйруғи бажарилмаётгани, йўл қуриш ишлари тўхтаб қолгани ҳақида хабар беришди.

Азизбеков зудлик билан қўл остидагиларни оёққа турғазди. Маълум бўлишича, қўнра қабристон ат-

Оила ва жамият

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси,
Болалар жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

Шуоримиз:
Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темура қўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Тўрон қўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яққа обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0510
21317 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Қорланба кўнлари чиқади.
Бахоси эркин нархда.
Навбатчи Қомил ТОШ